

**«APEX INSURANCE» АЖ акциядорлари ДИҚҚАТИГА!**

**ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!**

«APEX INSURANCE» АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2023 йил 14 февраль куни, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак Йўли кўчаси 154А - уйда жойлашган Жамият бош офиси биносига бўлиб ўтади.

Йиғилиш соат 10:00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 9:00 дан бошланади. Йиллик умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорлари реестри 2023 йил 8 февраль ҳолатига тузилади.

Жамиятнинг электрон почтаси ва веб-сайти манзили: [info@aic.uz](mailto:info@aic.uz); aic.uz.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «APEX INSURANCE» АЖ йиллик умумий йиғилиши саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. «APEX INSURANCE» АЖ йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
3. «APEX INSURANCE» АЖнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш;
4. «APEX INSURANCE» АЖнинг 2022 йил аудиторлик текшируви натижалари бўйича ташқи аудитор хулосасини тасдиқлаш;
5. «APEX INSURANCE» АЖнинг 2022 якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш;
6. 2023 йил якуни бўйича БҲМС ва МҲХС бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини аниқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
7. 2022 йил якуни бўйича «APEX INSURANCE» АЖнинг кузатув кенгаши ҳисоботини эшитиш;
8. «APEX INSURANCE» АЖнинг жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг сонини кўпайтириш;
9. «APEX INSURANCE» АЖ уставига уни янги тахрирда тасдиқлаш йўли билан ўзгартириш киритиш;
10. «APEX INSURANCE» АЖ Бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини ўз кучида қолдириш.

➤ *Акциядорлар йиллик умумий йиғилишида шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашади, юридик шахс номидан берилган ишончнома қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.*

➤ *Акциядорлар йиллик умумий йиғилишини ўтказиш бўйича қўшимча ахборот ва унда қўриладиган масалаларнинг ҳужжатлари билан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак Йўли кўчаси 154А - уй манзилида жойлашган жамиятнинг бош офиси биносига мурожаат қилиш орқали танишишлари мумкин.*

**«APEX INSURANCE» АЖ Кузатув кенгаши**